

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадилаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдорида бирйўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамағармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий аъёнларимиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда буқилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш – бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг халқимизга хос азалий қадриятдир.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган, "Сен етим эмассан" деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олижаноблигини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намоён этди.

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадилаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

1. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Хотира ва Қадрлаш кунининг кенг нишонланишини таъминлаш давлат ва нодавлат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг виждоний иши ва аънавий бурчи деб белгилансин.

2. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А. Арипов):
Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг "Инсон

қадри улғу, хотира муқаддас". "Мардлик, бурч ва садоқат" шioriлари остида юқори савияда ўтказилишини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминласин ва жойларга бориб, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари бириктирилсин ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни қўллаш ва ҳушнуд этиш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

Давоми 2-бетда ➡

ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР

тараққиётнинг жон томиридир

Тошкент вилояти ҳокими Фуломжон Ибрагимов бошчилигидаги делегация айна кунларда Хитой Халқ Республикасининг Чунцин шаҳрида бўлиб турибди.

Ҳамкорлик

20 апрелга қадар давом этадиган ушбу ташриф Тошкент вилояти ва Чунцин шаҳри муниципал ҳукумати ўртасида халқаро, ташқи иқтисодий, савдо алоқалари, илм-фан, технологиялар, бунёдкорлик, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокими Ф. Ибрагимов бошчилигидаги делегация 17 апрель куни Хитой пойтахти Пекин орқали Чунцин шаҳрига етиб келди. Юқори даражада кутиб олинган вилоятимиз делегацияси вакиллари шу куннинг ўзида "Чунцин Ганчэн" саноат парки ва "Jontia Energy Group Co.LTD" энергетик корпорацияси фаолияти билан яқиндан танишди.

Шу ўринда, Чунцин шаҳри ҳақида тўхталиб ўтсак. У Хитой

Халқ Республикаси марказий қисмида жойлашган ва майдони жиҳатидан энг йирик тўрт маъмурий ҳудуддан биридир. Шу билан бирга мамлакат тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган тижорат маркази ҳамдир. Шаҳар иқтисодиётида кимё саноати, машинасозлик, металлургия, электротехника соҳаси етакчи ўрин тутати. Чунцин шаҳридаги бешта заводда йилига 200 минг автомобиль, 3 миллион мотоцикл, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. "Changan Automotive Corp", "Lifan Hongda Enterprise", "Ford Motor Company" каби йирик автоконцернларнинг маҳсулотлари дунёнинг кўплаб мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалган.

Чунцинда бир неча йирик эркин иқтисодий зоналар бор. 38 та индустрия парклари ишламоқ-

да. Шаҳарнинг логистика имкониятлари ва салоҳияти юқори. "Чунцин – Синьцзян – Европа" темирйўл тармоғи яхши ривожланган. Учта махсус божхона назорати ҳудуди ташкил қилинган. Қатор иқтисодий ва технологик ҳудудларда турли корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Шунингдек, ушбу шаҳар компьютер технологиялари, ноутбуклар, смартфонлар, кондиционерлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам энг йирик саноат марказларидан бири сифатида эътироф этилган. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида шаҳарнинг электрон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 27,5 фоизга ошган.

Чунциннинг Тошкент вилояти билан муштарак жиҳатлари ҳам кўп. Хусусан, бу ҳудуд вилоятимиз сингари мамлакат металлургия саноатида анча илгор. Бу ерда Алюминийни қайта ишлаш заводи, Пўлат эритиш корпорацияси, Махсус пўлат эритиш компанияси фаолият юритади.

Давоми 2-бетда ➡

Муносабат

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

ДИНИ ИСЛОМГА ҚУВВАТ БЕРУВЧИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Яхши гапнинг қаноти бўлади, деганларидек, мазкур тарихий ҳужжатни юртдошларимиз ўзгача ҳуш қайфият, кўтаринки руҳ билан қўлиб олдилар. Фармонда кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни авайлаб-асраш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан

ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, шу асосда ёшларни қомил инсон этиб тарбиялаш, жамиятда эркин-омият ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланган.

Давоми 2-бетда ➡

Фармон ва ҳаёт

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



АЁЛГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Жойларда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар тайинланди. Фармонда белгиланганидек, мутахассисларнинг етарли билим, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган олий маълумотли шахслар эканига алоҳида эътибор қаратилди. Улар ўз вазифаларини талаб даражасида бажаришларини таъминлаш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳудудий ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Қийрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида бўлиб ўтди. У вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жа-

моат фонди вилоят бўлими, Ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни амалга оширишда хотин-қизлар қўмиталарининг, мутаассадиларнинг ўрни ва роли ҳақида сўз юритилди. Слайдлар асосида маълумотлар берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири
Қобилжон ҲОҒУРОВ
олган суратлар

«ТОШЛОҚ»ДА КУРТАК ЁЗАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Мутахассисларнинг айтишича, шахснинг маънавий-руҳий олами, дунёқараши, билим ва салоҳияти унинг мактаб ёшигача бўлган йилларда олган таълим-тарбияси билан узвий боғлиқ экан.

Мактабгача таълим

Шу маънода, бугун мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга ҳар тарафлама гамхўрлик қилиш, ёш авлоднинг жисмонан ва маънаван баркамол бўлиб воғда этиши борасида қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Президентимизнинг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тизим фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётимизга кенг татбиқ этилиши ўғил-қизларимизнинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишлари учун мустаҳкам пойдевор бўлаётир. Бугун юртимизда бирин-кетин иш бошлаётган янги, замонавий, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган мактабгача таълим муассасалари киши кўзини қувнатади.

Ана шундай муассасалардан яна бири вилоятимизнинг Бўка туманида фойдаланишга топширилди. "Тошлоқ" маҳалла фуқаролар йи-

ғини ҳудудида жойлашган "Ниҳол" нодавлат мактабгача таълим муассасаси 40 ўринга мўлжалланган.

Эътиборлиси, боғча инглиз ва рус тилига ихтисослашган бўлиб, бу ерда 5-6 ёшли болажонлар мактабга чиққунларига қадар ҳам таълим, ҳам тарбия оладилар.

– Президент қарори ижроси доирасида болаларни мактабга тайёрлашни сифат жиҳатидан янада яхшилаш мақсадида қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиляпти, – дейди тадбиркор Шарифа Анорова. – Назаримда, бу жуда яхши самара беради. Ўғил-қизлар мактабга тайёр ҳолда қадам қўядилар.

Дарҳақиқат, 5-6 ёшли болаларни мактабга тайёрлайдиган бундай гуруҳларни қишлоқ жойларида очиб, кичикнотларнинг ақлий ва манти-

кий фикрлашини ривожлантирувчи амалий машғулотларни олиб бориш ўзининг ихобий натижасини беради.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, болаларни мактабга тайёрлашни сифат жиҳатдан янада яхшилаш мақсадида, республикада 6 минг 100 та қисқа муддатли гуруҳларнинг ташкил этилиши назарда тутилган. Бугунгача ўз фаолиятини бошлаган 1 минг 220 та гуруҳларда 81 минг

нафар бола қамраб олинган. – Биласизми, дарс жараёнида мактабгача таълим муассасасига борган ва бормаган бола ўртасида жуда катта фарқ бўлади, – дейди муассасанинг рус тили фани ўқитувчиси Дилфуза Абдуллаева. – Бу уларнинг билими, савиясидагина эмас, аввало, ўзларини тутишларида намоён бўлади. Масалан, боғчага бормаган бола дарсда 45 дақиқа ўтиришга сабри ет-

майди. Чунки, улар бунга ўрганмаган-да.

Муассасанинг очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов, Бўка тумани ҳокими Нўмон Изборсаров сўзга чиқди.

Ирода НОҒБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА
УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг тураржойи ва уй ҳўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли тоифалари, айниқса, ёшлар ўртасида тушунириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бир йўла пул мукофотини тантанали равишда топширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг истаклари асосида улар ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафарини ташкил этсин ҳамда ушбу сафар билан боғлиқ барча харажатлар қопланишини таъминласин;

Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг истаклари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборилиши ташкил этиб, уларни зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккин-

чи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техникалар намоишини ташкил этсин;

Ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

кўчалар ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакатлар ва стендлар билан безашини таъминласинлар.

5. Белгиланган қўйилсинки, ўтказиладиган Дастур тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакиллари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кейтиши, меҳмонхоналарда жойлаштири-

овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2018 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларнинг кенг ёритилишини, тематик тадбирлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг ташкил этилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

◀ Бошланғич 1-бетда

ЎЗАРО
МАНФААТЛИ
МУНОСАБАТЛАРтараққиётнинг
жон томиридир

Илм-фан жадал ривожланаётган Чунциндаги йиғирма бешта олий ўқув юрти ва мингдан зиёд илмий-тадқиқот институтларида 400 мингдан ортиқ илмий ходим ишламоқда.

Бир сўз билан айтганда, Чунцин Хитойнинг тез тараққий этаётган шаҳарларидандир. Мамлакат статистика бош бюроси маълумотларига қараганда, ўтган йили шаҳарнинг ички ялпи маҳсулоти 1,96 трлн. юанни (311 млрд. АҚШ доллари) ташкил қилди.

...Тошкент вилояти делегацияси ташрифининг иккинчи куну – 18 апрелда ўз ишлари давом эттириб, Савдо-иқтисодий форуми ва икки томонлама учрашувларда қатнашади. Шунингдек, кун тартибидан "Хай-фу" фармацевтик компанияси фаолияти билан танишиш, Чунцин мэрияси раҳбарияти билан учрашув ва ўзаро ҳамкорлик бўйича тегишли ҳужжатларни имзолаш маросими ҳам ўрин олган.

19 апрель куну делегациямиз аъзолари "Zonshen Industrial Group Co.LTD" корпорацияси ва Чунциннинг Цзюлупо туманидаги саноат корхоналари фаолияти билан танишади. Шу куну Цзюлупо тумани ва Тошкент вилояти шаҳарларидан бири ўртасида икки томонлама келишув имзоланиши ҳам режалаштирилган.

Маълумки, Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда, мамлакатларимизнинг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Ана шу дўстона муносабатлар асосида вилоят делегациясининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ва Чунцин шаҳри муниципал ҳукумати билан ўрнатилган алоқалар икки мамлакат халқи учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши шубҳасиз.

Ўз муҳбиримиз

Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Вилоятимизда ҳам ўзининг изланиш ва сайёҳаракати билан бунга муносиб ҳисса қўшаётган корхоналар, кичик бизнес вакиллари сафи кенгайиб бормоқда. Олмаликлик Бобур Қўчқоров ана шундай тадбиркорлардан бири. У раҳбарлик қилаётган "Olmaliq Metal Group Industries" масъулияти чекланган жамияти янги турдаги сунъий кварц плиталари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Марказий Осиёдаги ягона корхонадир.


"National Stone" миллий бренди остида ишлаб чиқарилаётган плиталар ранги, сифати ва аниқ технологик кесмаси билан турдош маҳсулотлардан фарқ қилади. Замонавий технология асосида тайёрланган ушбу плиталар мустаҳкамлиги, пишиқлиги, намликка, умуман, ўзгарувчан ҳарорат таъсирларига чидамлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ушбу қурилиш маҳсулоти замонавий дизайнерлар диққатини ўзига тобора кенгроқ жалб этмоқда.

– Маҳаллий хом ашё не-

ғизидан илмий ишланма ва технология асосида тайёрланаётган кварц плиталари ўзида кенг ранглар туркумини мужассам этган, – дейди Бобур Қўчқоров. – Ҳозир бу маҳсулотдан уй-жойлар, меҳ-

ЎЗИМИЗДАН ҚОЛАР
МАҲСУЛОТ ЙЎҚ

Ҳаракат қилсак, ҳаммасини эплаймиз,
дейишмоқда тадбиркорларимиз



монхона ва офислар, маъмурий бинолар, соғломлаштириш ва таълим маҳсулотлари ҳамда савдо марказларини қуриш ва безашда кенг фойдаланилмоқда.

Корхонада 50 нафар

Маҳаллийлаштириш дастури – амалда

ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Маъмурият томонидан уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ишчилар уч маҳал

мудов. – Харидорлар буюртмаси асосида ўндан ортиқ шакл ва ўлчамдаги, ўзида мўъжизакор рангларни мужассам этган маҳсулот тайёрланмоқда. Муҳими, улар хорижикидан қилинмайдиган ва анча арзон.

Корхона жамоаси яқин келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга оширишни режалаштирмоқда. Мамлакатимизда 2018 йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинган ишлар учун янада кенг имкониятлар очди, дейиш мумкин. Айни кунда бу ерда маҳсулот тури ва дизайнини янада такомиллаштириш бўйича соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар изчил давом эттирилмоқда.

Дарвоқе, корхона экспортни ҳам йўлга қўйди. Ҳадемай, Олмаликнинг сунъий кварц плиталари Қозғистон, Туркменистон ва бошқа давлатларга ҳам сотилади.

Юлдахон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ
олган сурат

иссиқ овқат ва махсус кийим-бошлар билан таъминланган.

– Кунига ўртача минг квадрат метрдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз, – дейди корхона ёш технологи Мирзохид Мах-

– бош устувор йўналиш" тамойилини амалда татбиқ этишга киришди.

Ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли

Мудофаа доктринаси:

Тинчлик ва осойишталигимизнинг
муҳим кафолати

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлиги, аҳолиимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий курул-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз шаклланди. Куруллик Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келдики, бугун бу сафда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун нафақат бурч, балки том маънода шон-шараф ишига айланди.

ланган ташқи сиёсатимиз очик, яқин қўшнилар билан ишончли, бошқа чет давлатлар билан ҳамкорликнинг юксалишига хизмат қилади.

Яна бир жиҳат. Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида шундай фикрлар ўртага ташланган. Яъни: "Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё

натижаларга эришдик. Натижада, минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда".

Шу фикрларга ҳамоханг тарзда мазкур янгиланган тарихий ҳужжат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиклик тамойилини, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий му-

Таъбир жоиз бўлса, Фармон айнан ана шу мақсадларга хизмат қилишга даъват этади. Мамлакатимизда диний бағрикенглик, виждон эркинлиги нақадар муқаддас эканлигини яна бир қарра ифодалайди.

Маълумки, кейинги йилларда муқаддас динимизга хизмат қилиш йўлида, умуман, диний-маърифий соҳада мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда. Ислам цивилизацияси маркази, Ислам академияси, Мир-Араб олий мадрасаси, Имом-Бухорий ва Имом-Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказла-

маркази, Ўзбекистон халқаро Ислам академияси, унинг таркибиде минтақавий филиалларга эга бўлган малака ошириш марказлари, Ҳадис илми мактаби, "Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилаётганлиги, "Зиё" медиа-маркази иши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, "Имом-Бухорий" давлат мукофотининг таъсис этилиши ва бошқалар ҳар бир мўймин-мусулмон замондошимиз қалбиде фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдирдиш шубҳасиз. Белгиланган чора-тадбирлар доирасида ди-

ДИНИ ИСЛОМГА ҚУВВАТ
БЕРУВЧИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

ри бой илмий-тарихий меросимизни ўрганмоқда ва тарғиб қилмоқда. Ислам ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой маданий мероси кенг оммалаштирилмоқда. Қуръон мусобақаларининг ўтказилиши, асл илоҳот бўлган Қўрал тиловатларнинг мамлакатларимиз оммавий ахборот воситаларида баралла ёритилиши, янги масжид ва намозхоналарнинг очилиши ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин.

Фармонда диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари аниқ ва равшан белгиланган берилган. Бу олдимизга янгидан янги долзарб вазифаларни қўймоқда ва масъулиятимизни оширмоқда. Энди аввалгидек, яъни эскича қопил билан ишлаб бўлмайди. Ҳар биримиз жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Фармон матни билан танишар эканмиз, яна бир қарра биз, диний соҳа вакиллари иш жойи асли одамлар орасида, деган қатъий фикрни мустаҳкамлаб олдик.

Ҳақиқатан ҳам, ҳамиша одамлар орасида бўлиш, уларга яхшилиқни тарғиб қилиш, ёмонликдан қайтариш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини бир дақиқа ҳам унуттишга ҳаққимиз йўқ. Чунки, одамлар биз, дин вакилларига кўпроқ ишонадилар. Айни вақтда эса, биз бундан тўғри ва оқилона фойдаланишимизни даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Фармоннинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сатри ҳақида узоқ ва мароқли мушоҳада юритиш мумкин. Ушбу ҳужжат билан диний ижтимоий жараёнларни ўрганиш, ахборот-таҳлил

ний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш каби масалалар ҳам қамраб олинган таҳсинга сазовор.

Бу Фармоннинг қадр-қиммати кўпни кўрган, кекса диний уламоларимизнинг суҳбатларига қўлоқ тутиб, яқин ўтмишда улар қандай қийинчиликларга ва таъқибларга дуч келганликларини мушоҳада қилганимизда яна ўн қарра ортади, десак муболаға бўлмас. Шуларни ўйлаб, бугунги дорилламон кўнларга етиб келганлигимизга шукроналар қиламиз. Бир пайтлар ҳўрланган диний соҳа ходимлари, имом-хатиблар бугун жамиятимизнинг энг илғор вакиллари айланганлиги учун Яратганга ҳамду санолар айтамыз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Фармон сатрларида муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик моҳияти, зугулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлари азалий қадриятларимиз ифодаси эканлиги тўлақонли-ақс этиб турибди. У Ватанимиз равақли, халқимиз бахт-саодати йўлида тинмай самарали меҳнат қилишга ундайди. Диний-маърифий соҳадаги фаолиятимизни янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилади.

Эътибор берган бўлсангиз керак, кексаларимиз дуога қўл очганларида дини Исламга қувват берсин, деб ният қиладилар.

Ислам маърифатини, унинг олижаноб қадриятлари, эзгу инсоний тамойилларини теран тушушган, нафақат халқимизга, бутун башариётга яхшилиқ истаб яшаётган, муқаддас динимизга ҳолис хизмат қилаётган Юртбошимиздан Аллоҳ рози бўлсин!

Миродил МИРЖАЛИЛОВ,
Қибрай тумани бош имом-хатиби

◀ Бошланғич 1-бетда

ТОШПЎЛАТ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

КЎХНА ТАРИХ ШОДАСИНИНГ БИТТА МАРЖОНИ

Ҳар бир халқнинг миллий қадриятлари замирида умум-башарий ғоялар, орзу-интилишлар муҳасам. Масалан, Она табиатга меҳр. Она замин неъматларидан баҳраманд бўлиш, уларни асраб-авайлаш, баҳорни, кўшлани ёруғ кунларни шоду хуррамлик билан кутиб олиш дунёдаги барча халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Таассурот

Ана шундай миллий қадриятларимиз борки, улар бетакрор миллий қиёфамизни намоён этишда асарлар давомида энг муҳим фазилят бўлиб келмоқда.

Вилоятимизнинг қадимий масканларидан бўлиши Охангарон туманида ўтказилган "Илок" фестивали ана шундай миллий қиёфамизни, маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, тараққиёт борасидаги ютуқларимизни акс эттирувчи йирик лойиҳа бўлди.

Вилоят ҳокимлиги, "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамоат фонди, Туризмни ривожлантириш департаменти, Республика кўғирчоқ театри, вилоят "Маҳалла", Халқаро Амир Темур жамоат фондлари ва бир қатор мутасадди идоралар томонидан ташкил қилинган фестивалда Охангарон тумани ахли, туристлар ва меҳмонлар иштирок этишди.

Қадимий Илок! Мағрур ва кучли, тилсимли ва ақл бовар қилмайдиган даражада бой юрт! Илок – Тошкент воҳсининг катта қисмини эгаллаган жануби-шарқий минтақа. Мовароуннахр ха-

Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА,
Республика "Матбуот ва маърифат" маркази вилоят бўлими етакчи мутахассиси



ТЎГАРАКЛАР ЯРМАРКАСИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларни турли тўғарақларга жалб қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Эътибор

Ҳозир республикаимиздаги барча аҳоли гавжум жойларда "Баркамол авлод" болалар марказлари ва ахборот-ресурс марказлари томонидан "Тўғарақлар ярмаркаси" ўтказилмоқда.

Вазирликдан олинган маълумотларга кўра, мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, келгусида турли касб эгалари бўлиб етиштириш учун янада кўпроқ шариқлар яратиб беришдир.

Тадбирда ахборот-ресурс марказлари ҳамда "Барка-

мол авлод" болалар марказлари бадий адабиётлар, техник ва бадий ижодиёт, ўлкашунослик, экология йўналишларидаги тўғарақлар фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар билан қатнашмоқда. Қолаверса, тадбир давомида тўғарақ раҳбарлари томонидан маҳорат машгулотлари, бадий асарлардан турли сахна кўринишлари ва китоблар кўргазмалари ташкил этилапти.

"Тўғарақлар ярмаркаси" жорий йилнинг 30 апрель кунига қадар барча туман (шаҳар)лардаги аҳоли гавжум жойларда бўлиб ўтади.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Хитойнинг энг йирик банкларидан бўлган China Construction Bank таркибига мижозларга тўлиқ роботлар хизмат кўрсатадиган бўлим иш бошлади.

Банкни роботлар эгаллади

Майдони 165 квадрат метрни ташкил қилувчи банк бўлими Шанхай шаҳрининг Хуанпу туманида жойлашган бўлиб, автоматлаштирилган "ақлли" робот-кассира билан жиҳозланган. Роботлар ёрдамида ҳисоб рақами очиш, пул ўтказмасини жўнатиш, валюта айрибошлаш, олтинга инвестиция қилиш ва активларни бошқариш бўйича хизматлар олиш мумкин.

Банка қадам қўйган одамни робот мулоимлиги билан кутиб олади. У овозни таниш тизими ёрдамида мижознинг саволларига жавоб беради. Робот банка биринчи келган кишининг ҳужжатларини сканер қилади ва кейинчалик уни юзни таниш тизими орқали эслайди. Янги бўлим нақд ва нақдсиз операцияларнинг 90 фоизи-

ни уддалай олади. Маслаҳатчи ёрдами керак бўлган бадавлат мижозлар учун менежерлар билан видеоалоқа хонаси мавжуд.

Банк бўлими роботлар томонидан бошқарилишига қарамай, унда "ақлли машиналар" муаммога дуч келса, мижозларга ёрдам кўрсатишга шай турган инсонлар ҳам ишлайди.

Юрган дарё...

Шаҳар ҳокимлиги таъаббуси билан маҳаллалар фаоллари ва раислари, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳамда ёшлардан иборат бир гуруҳ нурафшонликлар Қорақалпоғистонда бўлди.

Саёҳат учун қорақалпоқ диёри бежиз танланмаган, аслида. Чунки, мамлакатимизнинг шимоли-ғарбида жойлашган бу диёр – бой тарих, узок ўтмиш, ўзига хос ҳаёт тарзига эга бетакрор гўша.

Қорақалпоғистон том маънода "археологик қўриқхона" ҳамдир. Худудда 300 дан ортик археологик объектлар бор.

Республика пойтахти – Нукус шаҳрини бир томонидан Амударёга туташ, иккинчи томонидан Қизилқум чўли билан ўралган мўъжиза деса бўлади.

Қорақалпоғистондаги "Миздакхан" археологик комплекси, "Шилпиқ" ёдгорлиги, "Тупроқ қалъа", "Аяз қалъа",

"Катта гулдурсун" номли қадимий қалъалар ҳам саёҳатчиларда ўзгача таассурот қолдирди.

Биргина "Миздакхан" археологик-архитектура комплекси 225 гектарни ташкил этишининг ўзиёқ унинг салобати ва салоҳиятини намоён

дан дунёда ноёб бўлган тилла тангалар, ҳар хил рўзгор буюмлари, ёдгорликлар, саройлар қолдиқлари, ҳайкалчалар, эҳром иншоотлари, сопол ва шиша идишлар топилган.

"Миздакхан" археологик-архитектура комплексидаги

сида эса ўта салқин бўладиган мақбара ғоят моҳирлик, юксак дид ва ўта аниқ геометрик ҳисоб-китоблар асосида қурилган.

Мақбара тарихи милoddан аввалги IV асрларга бориб тақалади.

Хабарингиз бор, 2017 йил-

Тансиқбоев, Надежда Боровая, Амшей Нюренберг, Владимир Уфимцев каби моҳир рассомларнинг ноёб асарлари, қадимги Хоразм даврига оид қимматли археологик экспонатлар бор эди.

Музейнинг ҳозирги кол-лекцияси 90 минг турли экс-

КИЧИК САЁҲАТНИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ



этиб турибди. Унинг асосий қисмлари Хўжайли шаҳрининг ғарбидаги учта тепаликда жойлашган бўлиб, унга "Гаур қалъа", "Шамун наби", "Мазлумхан сулу", "Халифа режаб" мақбаралари кирар экан.

Олиб борилган археологик қазилма ишларида бу ерлар-

"Мазлумхан сулу" мақбараси алоҳида ўринга ва маҳзун афсонага эга экани эътиборимизни тортди.

Олтита бетакрор ва мўъжизакор бўлиmdан ташкил топиб, яхлит бир мақбара тусини олган бу комплекс жуда ноёб архитектурага эга. Қишда иссиқ, ёз жазирама-

нинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи чоғида Москвада Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи экспонатлари намойиш

этилган ва жаҳон маданияти оламида катта эътибор қозонган эди.

Соҳа мутахассислари эътироф этишларича, Савицкий музейи бутун Осиё бўйича энг яхши бадий коллекция, деб тан олинади.

Музейдаги тасвирий санъат асарлари орасида Ўрол

понатлардан ташкил топган бўлиб, ўзида рус авангардларининг аjoyиб асарлари коллекциясини жамлаган ҳолда "Эрмитаж"дан кейинги иккинчи музей сифатида тан олинади. Унда Франциянинг машҳур "Лувр" музейидаги айрим асарларнинг нусхалари бўлган экспонатлар ҳам мавжуд.

Бу музей бежиз "Ўзбекистон гавҳари", дея айтилмаганига гувоҳ бўлди.

Қорақалпоқ диёрида оз фурсат бўлиб, кўрган-билганларимиз бу серхикмат заминнинг тарих денгизидан томчи, холос.

Матмуржон БОЗОРАЛИЕВ

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

МАЙДОНДА ВОЛЕЙБОЛЧИ ЎЗГАРЛАР

Чирчиқнинг СКИФ жамоаси волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон XXV чемпионатининг учинчи тур баҳсларида барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Нукус шаҳри мезбонлик қилган мусобақа давомида вилоятимиз жамоаси "Булунгур"ни 3:0, "Хоразм"ни 3:0, "Андижон"ни 3:1 ва НДПИ волейболчиларини 3:1 ҳисобида енгди.

Учинчи тур ўйинлари якунига кўра, жами 43 очко жамғарган СКИФ жамоаси чемпионат жадвалида яқка пешқадамлик қилмоқда.

Чемпионатнинг якуний тўртинчи тури 10-15 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.



ЭНГ ТЕЗКОР ПОЙГАЧИЛАР МАРРАДА

Вилоятимиз ва пойтахтимиз йўллари бўйлаб ве-



ШЕРЗОД АРГЕНТИНАГА БОРАДИ

Барселонада байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон спортчилари Олимпия ўйинларига учта йўлланмани қўлга киритди.

Мусобақада Олимпия ўйинлари меъерини баҳарган чирчиқлик Шерзод Ҳакимжонов шу йилнинг октябрь ойида Буэнос-Айресда бўладиган нуфузли спорт анжуманида иштирок этади. Жаҳон чемпионатида совриндор бўлган Ислон Абдусаломов ва Гулбаҳор Файзиёва ҳам ўсмирлар Олимпиадасида Шерзод билан бирга юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

лоспорт-шоссе бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган кўпкунлик велоспорт мусобақасида вилоятимизнинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун куч синашди.

Тўрт босқичдан иборат бўлган мусобақада вилоятимиз велоспортчилари Данил Евдокимов ўзини кўрсатди. Сўнги босқич-

да маррага биринчи келган ёш спортчимиз умумий натижага кўра, кучли учликдан жой олди.

Ушбу кўпкунлик велоспорт жорий йилнинг 18 август – 2 сентябрь кунлари Индонезиянинг Жакарта ва Паленбанг шаҳарларида ўтказилган Осиё ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтади.

ЎҚ НИШОНГА ТЕГДИ

Чирчиқ шаҳридаги "Жалолиддин Мангуберди" спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги ниҳоясига етди.



Мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган юз нафарга яқин спортчи турли масофаларга югуриш ва белгиланган нишонга ўқ узиш борасида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Вилоятимиз биатлончиси Зухра Халимова қизлар ўртасида уч километр масофага ўтказилган спринт беллашувларида учинчи ўринни эгаллади. Истеъдодли спортчимиз беш километрга ўтказилган таъқиб пойғасида эса натижасини яхшилаб, маррага иккинчи келди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

АЛИЁР ВА МАДИЁР – ҒАЛАБАГА САЗОВОР

Дунёнинг йигирмадан эиёд мамлакатидан 140



нафар боксчи иштирок этган мусобақада 64 килограмм вазн тоифасида

рингга чиққан Алиёр барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга эга чиқди.

Мадийр боксчи иштирок этган мусобақада 64 килограмм вазн тоифасида

рингга чиққан Алиёр барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга эга чиқди.

Қўшиқ қуйловчи йўл

Нидерландиянинг Йелсум қишлоғи аҳолиси яқиндагина ишга тушган "қўшиқ қуйловчи йўл"нинг ёпилишига эришди.



Бу йўлни қуриш учун 80 минг евро маблағ сарфланган. Йўл бўйлаб ўрнатилган махсус қурилмалар ҳайдовчи тезлик талабларига амал қилиши кераклигини билдирувчи мослама билан жиҳозланган. Яъни, агар автомобиль бу йўлдан 60 км/соат тезлик билан ўтса, у қишлоқ

жойлашган Фрисландия вилояти мадҳиясини автоматик тарзда "ижро эта" бошлайди.

Бирок, бу тажриба биринчи кунданок ўзини оқламади. Йўлдан бир нечта автомобиль ўтаётганда йўл чиқараётган мадҳиялар бир-бирига аралашиб, ёқимсиз шовқинга айланган ва яқин орада яшовчи аҳолининг асабига тега бошлаган.

Амалдорлар аҳоли билан учрашгач, "қуйловчи" йўлни яна оддий йўлга айлантиришга қарор қилишган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

«Файзӣбон» табассуми...



Кулупнайнинг нарҳини сўрагандим... кўзимни очсам шифохонада ётибман.

Фарзандларимга ўз бойликларимни бўлиб бериш учун нотариусга борсам, нотариус харажатлари меросимдан ҳам қиммат экан...

Аёлни йилгатиб ўзини оловга отган мард – пиёзидир!

– Дадаси, сизга зўр совға олдим!
– Қани?
– Ҳозир қийиб чиқаман...

Энг ёқимли жисмоний лаззатни инсон қичишаётган жойини қашанда олар экан. Хўлоса: чивинлар ҳам бизга ёқимли ҳисларни ҳадя этиш учун яралган!

Ошиқ ноласи:
– Эй, бевафо ёр! Сенга берган муҳаббатимни сизгиримга берганимда кунига 30 литр сўт берарди...

Бозорвой ака ўғли билан биринчи марта футбол ўйинига борди. Болакай ҳайрон бўлиб сўради:
– Дада, нега футболчиларнинг орқаларига нарҳлари ёзиб қўйилган?

Антиқа эълон:
"Олтиш ёшли кампиримни иккита ўттиз ёшли аёлга алишаман..."

– Дима, ўғлим, радионинг овозини пастроқ эшит, қар бўлиб қоласан!
– Раҳмат, ойи қорним тўқ!

– Дима, нега қайноталар келинларига меҳрибон бўлишади?
– Чунки икковлари ҳам бир одамдан кўрқишади!

Қўшим Гўлчирай зап болажонда. Ҳар йили фарзандли бўлади. Ҳар тўқисда бир айб деганларидай бошида эри йўқда бояқишининг...

Икки ёзувчи учрашиб қолишди:
– Шу кунларда нималар ёзаяпсан, дўстим?
– Э-э, дўстим, бу ёғи қаричлик, яқинда хотиралар ёзишга ўтирдим.

– Зўр-ку! Ҳали мендан 200 минг қарз олган жойингга келмадингми?
Дилшод БОЛТАБОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. 14 674 нусхада чоп этилди	Телефонлар: Қабулхона: 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10 Масъул котиб: 233-12-83 Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08 Шартнома ва эълонлар: 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ Назоратчи мусахҳиш Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЛҲАЕВ
---	--	--	--	---	--